

8. Палий В.Ф. Теория бухгалтерского учета. Современные проблемы. ISBN: 5-85428-177-5. – М.: Бухгалтерский учет. 2007 г. Стр. 88.
9. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2000.
10. Энтони Р., Рис Дж. Учет: ситуации и примеры. Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.М.Петрачкова. 2-е изд., стереотип. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 420 с.
11. The Financial Accounting Cycle with Supplements (2nd Edition) by Robert N. Holt, Ivy Software, Published 2005. ISBN 978-0934427333
12. Иоганн Фридрих Шер. Бухгалтерия и баланс. – М.: Экономическая жизнь, 1925. – 594 с.
13. IAS 1 "Presentation of Financial Statements" <https://www.ifrs.org/>
14. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Дж. Принципы бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 496 с.
15. Вухгалтерия hisobi. Darslik. / A.A.Karimov, J.E.Kurbanbayev, S.A.Jumanazarov. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 479 b.
16. Вухгалтерия hisobi. Darslik. / B.A.Xasanov, A.A.Xashimov, A.B.Muxametov, A.A.Abduvohidov. – Т.: Iqtisodiyot dunyosi, 2021. – 556 b.
17. Бухгалтерский учёт. Учебное пособие. / Ш.Т.Эргашева. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 387 с. (520)
18. Ибрагимов А., Очиллов И., Қўзиёв И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 241 б.
19. Вухгалтерия hisobi nazariyasi. Darslik. T.Toshmamatov. – Т.: "O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati" nashriyoti, 2019. – 274 б.
20. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни. 06.05.2014 йил. ЎРҚ-370-сон.
21. IAS 20 "Accounting for Government Grants and Disclosure of Government Assistance". <https://www.ifrs.org/>
22. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни. 13.04.2016 йил. ЎРҚ-404-сон.
23. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни. 06.05.2014 йил. ЎРҚ-370-сон.
24. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 01.03.1997 йил.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.



## СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Абдурахмонов Каромат -**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a56](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a56)

**Аннотация.** Ўзбекистон Республикасида табиий ресурслардан фойдаланувчиларга солиқ солишни тартибга солиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Калит сўзлар:** ресурс солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмуричилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДОВ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ПОСТУПЛЕНИЙ

**Абдурахманов Каромат -**

Независимый исследователь  
Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** В Республике Узбекистан особое внимание уделяется коренному совершенствованию сервисно-технического обслуживания на основе взаимного сотрудничества по вопросам налогообложения природопользователей, обеспечения необходимого уровня собираемости налогов и других обязательных платежей, осуществления налогового администрирования налогоплательщиков и исполнение налоговых обязательств.

**Ключевые слова:** ресурсный налог, налог на недропользование, налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, средняя ставка, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые вычеты.

**Abdurakhmanov Karomat -**  
Independent student  
of Tashkent State University of Economics

**Annotation.** In the Republic of Uzbekistan, special attention is paid to the fundamental improvement of service and technical maintenance on the basis of mutual cooperation on the issues of taxation of users of natural resources, ensuring the required level of collection of taxes and other obligatory payments, and tax administration. taxpayers and the fulfillment of tax obligations.

**Key words:** resource tax, subsoil use tax, tax, budget policy, budget, tax administration, tax potential, normative analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average rate, tax reporting, tax revenues, tax deductions.

**Кириш.** Солиқлар давлат молиявий сиёсатининг асосий воситаларидан бирини англатади ва солиққа тортиш муаммолари жамият ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларини ҳал қилиш билан бевосита боғлиқлиги туфайли анъанавий равишда энг зиддиятли бўлганлар рўйхатига киритилган. Шунга қарамай, ислохотнинг ҳар қандай натижалари ҳақида фикр юритишга ҳали эрта, чунки у узоқ муддатли истиқболга йўналтирилган. Ҳозирги жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнида мамлакатимизда чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда фойдали қазилма конларини саноат усулида ўзлаштириш, замонавий усуллар ва технологиялар ёрдамида геология-қидирув ишларини рағбатлантириш ҳамда ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Шунга кўра, иқтисодиётда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, ер ости бойликларини асраш, уларни солиққа тортишнинг янги мезон ва механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиёт ривожланишига амалий таъсирини баҳолаш масалалари муҳим илмий тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Ер ости бойликлари ҳар қайси даврда миллий иқтисодиёт учун муҳим стратегик ресурс сифатида улардан самарали фойдаланиш, жумладан, улардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг родини ошириш масалалари кўплаб илмий тадқиқот ишларининг объекти бўлиб келган.

Хусусан, буюк классик иқтисодчи Адам Смит фикрича, “Шаҳарда ер рентаси қандай бўлса, оддий ер рентаси ҳам худди шундай – шу турдаги даромад беради, қачонки мулкдор кўпчилик ҳолатларда ҳеч қандай меҳнатсиз ва ташвишсиз ердан ўзи учун фойдаланади. Агар у мулкдорнинг ушбу даромадининг бир қисми давлат харажатларини қоплаш учун олинса, бу ҳеч бир саноат тармоғининг ривожланишини кечиктирмас эди. Мана нима учун шаҳар ер рентаси ва оддий ер рентаси ўртасида пайдо бўлади-

ган бундай турдаги даромадларга балким махсус солиқ жорий қилиш керакдир” [2].

Д.Г.Черникнинг фикрича, жами мол-мулк мажмуига солинадиган солиқ моҳиятан ер солиғидан иборат бўлган. Бу ҳолда ер ва деҳқончилик воситалари хўжалик юритиш даражасининг кўрсаткичи сифатида асосий бойлик саналиб, бу хўжалик фаровонлиги даражасини белгиллаган [4].

Ўзбекистонлик иқтисодчиларимиздан А.Алтиев фикрича, ер рентаси даромадларнинг бир қисмини ердан фойдаланувчи ўзининг ернинг сифатини яхшилашга қаратилган харажатлари, тадбиркорлик қобилиятлари ва замонавий бошқарув тизимини жорий қилганлиги эвазига олади. Албатта, мазкур қисми (дифференциал рента-II) тўлиқ ёки қисман ер солиқ ёки ер ижараси объектига киритиш уларнинг фискал функциясини янада кучайтирган ҳолда бюджетга ер солиғи ёки ер ижараси бўйича тушумларни кескин кўпайтиради, лекин бу пировард натижада ердан фойдаланувчининг мулквий ҳуқуқлари бузилишига, ер солиғи ёки ер ижарасининг рағбатлантирувчи вазифаси амалга ошмай қолишига олиб келади, деб таъкидлаган [5].

Яна бир маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан И.Ниязметов ҳам бу борада фикр юритиб, ер ва мол-мулк солиғини бирлаштириб, кўчмас мулк солиғини жорий қилиш таклифини илгари сурган [3].

Шунингдек, хорижлик олимлардан Ж.Бербел, С.Сен, ХП.Жлиек, В.Пансков каби олимлар томонидан табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни солиққа тортиш билан боғлиқ кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилган [6-9]. Шу билан биргаликда, ўзбек олимларидан Д.Қурбанов, Ғ.Сафаров, З. Шохужаева, Б.Хасанов, Ф.Исаев каби олимлар ҳам Ўзбекистон шароитида табиий ресурсларнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти, улардан самарали фойдаланишда молия-кредит механизмларининг қўлланилиши, жумладан, уларни солиққа тортиш масалалари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб борган [10-24].

Жумладан, Ж.Бербел Европада сув ресурсларини солиққа тортишнинг амалиётини илмий

тахлил қилган бўлса [6], ўз навбатида, маҳаллий олимларимиздан Д.Қурбонов ва Ғ.Сафаров эса табиий ресурсларни солиққа тортишнинг муаммолари билан боғлиқ кенгроқ тадқиқотлар олиб боришган[10-12]. Бироқ фикримизча, бугунги кунда республикада чекланган табиий ресурсларни солиққа тортиш борасида бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Бу эса бу борадаги илмий тадқиқот ишларини янада кучайтиришни тақозо этади.

**Тадқиқот методологияси.** Республикада чекланган табиий ресурсларни солиққа тортиш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари тадқиқотнинг умумий ва индивидуал усуллари билан фойдаланишни зарурат қилиб қўяди. Мазкур мақола доирасидаги тадқиқотларда бугунги кунда кўпроқ қўлланиладиган диалектик, абстракция, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, синтез ва таҳлил, мантикий фикрлаш ҳамда математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикасида 2022 йилдан солиқ сиёсатига киритилган янгиликларга асосан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-741-сонли қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори билан фойдали қазилмаларни қазиб олишни солиққа тортиш бўйича бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, олтин, кумуш, платина, палладий, мис, рух, қўрғошин ва молибден бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг солиқ солиш базаси амалдаги ўртача сотиш нархидан Лондон металл биржасининг нархларига ўзгартирилди;

табиий газ, нефть ва металлларни қазиб олиб, якуний истеъмолчига сотадиган корхоналар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблашда солиқ базасини ташиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар суммасига камайтириш (“Нетбэк” механизми) механизми жорий қилинди;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари: нефть бўйича 20 дан 10 фоизга, газ бўйича 30 дан 10 фоизга, олтин ва мис учун 10 дан 7 фоизга, вольфрам бўйича 10,4 дан 2,7 фоизга, уран бўйича эса 10 дан 8 фоизгача пасайтирилмоқда ҳамда қолган позициялар бўйича ставкалар бирхиллаштирилди (амалдаги 81 та позиция 29 та позицияга унификация қилинди);

янги фойдаланишга топширилган нефть ва газ қудуқлари учун мол-мулк солиғидан даст-

лабки икки йил давомида тўлиқ озод қилиш, кейинги уч йилда белгиланган солиқ ставкасини 50 фоизга камайтириб қўллаш орқали янги конларни ўзлаштириш учун рағбатлантириш механизми яратилди.

Бизнинг фикримизча, мазкур солиқ бўйича прогнозни ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ бир йил ёки ўрта муддатлар учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети ва пенсия жамғармаси даромадларини прогнозлаштириш тартибини белгилаш керак. Ҳақиқий базага боғлиқ бўлган ёки унинг қийматини аниқлайдиган солиқ базаси ёки макроиқтисодий кўрсаткичлар асос бўлиб ҳисобланадиган солиқлар ва йиғимлар бўйича қонунчилик ҳужжатларида жорий йил бўйича тушумларни баҳолаш ҳисоб-китобини қуйидаги усуллар билан амалга ошириш лозим бўлади:

Қонунчиликка мувофиқ, давлат бюджети, шу жумладан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари прогнозини ишлаб чиқиш, аниқлаштиришда қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат бюджети даромадлари прогнозини шакллантириш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

даромад турлари бўйича базани аниқлаш (йиғиш, тўплаш), прогнозлаш учун параметрлар тизимини танлаш;

бюджетга даромадлар тушишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, даромадлар ўсишини рағбатлантирадиган ҳамда даромадлар ўсишини секинлаштириш мумкин бўлган таъсирлар тўғрисида эксперт хулосаларини илгари суриш;

дастлабки маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, уларни баҳолаш, маълумотларнинг бирхиллиги ва солиштирилишини текшириш;

агар керак бўлса, аниқловчи омилларнинг дастлабки маълумотларини тузатиш;

зарур ҳолларда бюджет даромадлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тузатиш, бюджет йўқотишларини (қўшимча даромадларини), бир марталик тушумларни миқдорий баҳолаш;

бюджет кўрсаткичлари динамикаси тенденцияларини аниқлаш, прогнозларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чиқиш;

даромадларни прогноз қилишнинг турли хил вариантларини кўриб чиқиш ва энг мақбулини танлаш ҳамда бюджет даромадлари бўйича фискал кўрсаткичларни умумлаштириш.

Бундан ташқари даромадларни (солиқ потенциалини) баҳолашни ҳисоблаш усуллари солиқ тушумларини прогнозлашда ҳисоблаш учун асос сифатида қабул қилинган базага қараб фарқланади.

Олтин, кумуш, мис қазиб олиш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар учун фойда солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва дивидендлар прогнозини ҳисоблаш олтин қазиб олиш саноати корхоналари шароитида олтин қазиб олиш ҳажми, олтиннинг жаҳон бозоридаги кутилаётган нархи, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курси ва солиқ қонунчилигида назарда тутилган ставкаларга асосланади.

Олтин, кумуш, мис қазиб олиш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар учун фойда солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва дивидендлар прогнози қуйидаги формулалар орқали прогнозлаштирилади:

а) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи прогнози:

$$P=V*St$$

бунда:

P – солиқ прогнози;

V – ялпи тушум;

St – ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси.

Ялпи тушум қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$V=H*N*Susd$$

бунда:

V – ялпи тушум;

H – олтин қазиб олиш саноати корхоналари шароитида олтинни унцияларда ишлаб чиқариш ва сотиш режаси;

N – олтиннинг бир унция АҚШ долларидagi нархи;

Susd – АҚШ долларининг сўмга нисбатан прогноз курси.

б) фойда солиғи прогнози:

$$P = (V*Stb*St) + ((V-C - (V*Stb)) *Sto) + (A)$$

бунда:

P – солиқ прогнози;

V – ялпи тушум;

Stb – фойда солиғининг солиқ базаси (солиқ солиш базасининг, товар (иш, хизмат) реализация қилишдан тушган тушумнинг 15 фоизига тенг миқдордаги қисмига);

St – фойда солиғининг стандарт ставкаси;

C – жами харажат;

Sto – фойда солиғининг оширилган ставкаси.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун тушумлар прогнози қуйидаги формула орқали прогнозлаштирилади:

$$P= Sb*N*St*Ks-Si$$

P – солиқ прогнози;

Sb – ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган қазилмалар базасининг келгуси йилдаги прогнози;

N – қазиб олинадиган фойдали қазилма сотишнинг сўмдаги нархи;

St– тегишли қазилма бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкаси;

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришлар ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – кутилаётган солиқ имтиёзлари.

Мол-мулк солиғининг прогноз қилиш суммаси юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида ҳисобланади ва мол-мулк солиғи тушумлари прогнозини аниқлашда қуйидаги вариантлар орқали прогнозлаштирилади:

а) биринчи вариант. Солиқ прогнози қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$P=Kd*K*Ks-Si$$

Бунда: P – солиқ прогнози;

Kd – жорий йилнинг кутилаётган солиқ тушумлари;

K – таҳлил қилинаётган давр учун солиқнинг ўртача ўсиш суръатини акс эттирувчи коэффициент;

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришлар ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ прогноз йилидаги қўшимча (+) ёки кам (-) солиқ тушумлари, шунингдек, тизимли бўлмаган характердаги бир марталик тўловлар.

б) иккинчи вариант. Ушбу вариантга кўра, мулк объектлари ва уларнинг солиққа тортиладиган қиймати бўйича солиқ маълумотлари мувофиқ қўлланилади.

Солиқ прогнози қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$P = Fm * St * Ks - Si$$

Бунда:

P – солиқ прогнози;

Fm – кўчмас мулкларнинг қиймати;

St – мол-мулк солиғининг ставкаси (индексация инобатга олган ҳолда);

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришлар ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – кутилаётган солиқ имтиёзлари.

в) учинчи вариант. Бу вариантга кўра, жисмоний шахслар мулк объектлари қиймати бўйича ҳисобланади. Солиқ прогнози қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$P=Cv1*St+Cv2*St+Cv3*Stym*Ks-Si$$

Бунда:

P – солиқ прогнози;  
Cv1 – кўп қаватли уйларнинг келгуси йилдаги кадастр қиймати;

St – солиқ ставкаси (индексация инобатга олган ҳолда);

Cv2 – якка тартибдаги уйларнинг келгуси йилдаги кадастр қиймати;

Cv3 – нотурар-жойларнинг келгуси йилдаги кадастр қиймати;

Stym – юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси;

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришлар ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – кутилаётган солиқ имтиёзлари.

Ер солиғи ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида ҳисобланади. Ер солиғининг прогнозини юридик ва жисмоний шахслар бўйича ҳисоблаш тартиби қуйидаги вариантлар орқали прогнозлаштирилади:

а) биринчи вариант.

Ер солиғи прогнози жорий йил тушумларининг кутилаётган даражасини бир неча йиллар давомида тушумлар динамикасини таҳлил қилиш асосида нисбатан барқарор (ўртача) ўсиш суръати бўйича тузатиш орқали қуйидагича аниқланади:

$$P=Kd*K*Ks-Tk$$

Бунда:

P – солиқ прогнози;

Kd – жорий йилнинг кутилаётган солиқ тушумлари;

K – таҳлил қилинаётган давр учун солиқнинг ўртача ўсиш суръатини акс эттирувчи коэффициент;

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришлар ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Tk – қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ прогноз йилидаги қўшимча (+) ёки кам (-

) солиқ тушумлари, шунингдек, тизимли бўлмаган характердаги бир марталик тўловлар.

б) иккинчи вариант.

Ушбу вариантда ер солиғи прогнози солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб, амалга оширилади:

$$P=Sb*St*-Ks Si$$

Бунда:

P – солиқ прогнози;

Sb – юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлган ер майдони;

St – ҳудуд бўйича ўртача ер солиғи ставкаси;

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришлар ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – кутилаётган солиқ имтиёзлари.

Таъкидлаш керакки, мазкур усуллар орқали ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш услубий жиҳатдан бюджетга солиқларнинг тўғри прогноз қилинишига ҳам амалий, ҳам услубий жиҳатдан ёрдам берса, бошқа томондан мазкур усуллар солиқ тизимининг ўзгарувчанлик хусусиятига қараб такомиллаштирилиб борилишини тақозо этади.

**Хулоса ва таклифлар.** Кўчмас мулкка ягона солиқни жорий қилиш бир қатор ҳуқуқий ва ташкилий ўзгаришлардан сўнг амалга оширилади. Шу билан бирга, ушбу лойиҳани амалга ошириш маҳаллий бюджетларни тўлдиришни рағбатлантиради, солиқларни ҳисоблаш тартибини соддалаштиради, солиқ маъмурчилигини такомиллаштиради ва харажатларни камайтиради, шунингдек, кўчмас мулкдан самарасиз фойдаланишни пасайтиради. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан қазиб олинган фойдали қазилмалар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона электрон ахборот базасини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Фафур Ғулом нашриёт уйи, 2020. – 640 б.
2. Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Т. 2. Пер. с англ. – М., 1992. – 612 с.
3. Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 2018.
4. Черник Д.Г. Налоги. Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 312 с.
5. Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 2018.
6. Berbel J. et al. Analysis of irrigation water tariffs and taxes in Europe. / *WaterPolicy* 21. 2019. – PP. 806-825; Brown L., Ayres E. (Edit) *The World Watch Reader on Global Environmental Issues*. N.Y. – London: W.W. Norton Co., 1998. – 358 p.
7. Gleick P.H. Global freshwater resources: soft-path solutions for the 21-th century. // *Science*. 302. No5650. 2003. P. 1524-1527.
8. Пансков В.Г. Налогообложение природных ресурсов: проблемы и пути решения. // *Журнал Экономика и бизнес*. 2018, ст. 91-104.
9. Sen S. and Volleberg H. The effectiveness of taxing the carbon content of energy consumption. // *Journal of Environmental Economics and Management* 92. 2018. 74-99. (<https://www.sciencedirect.com>).
10. Қурбанов Д.Р. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш услубияти ва ундириш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2017. – 50 б.
11. Қурбанов Д.Р. Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилна ва самарадорли фойдаланишни молиявий дастаклар асосида рағбатлантиришни такомиллаштириш. // *Монография*. – Т.: VNESHINVESTPROM, 2021. – 256 б.
12. Сафаров Ғ.А. Табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортишни такомиллаштириш (safarov, f. (2019) "improving the taxation of natural resources and properties"), *International Finance and Accounting: Vol. 2019 : Iss. 6, Article 12*. Available at:

<https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/12>).

13. Шохужаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати. – Т.: БМА, 2010. – 24 б.
14. Хасанов Б.У. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Т., 2003. – 30 б.
15. Qurbanov Z. & Isaev F. Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (1), 2017. 321-328. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9190](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190)
16. Исаев Ф. Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. // *Экономика и образование*, (6), 2021, 86-91. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
17. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш. // *Экономика и образование*. 2021. №. 4. С. 172-176.
18. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // *Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации*. 2017. С. 246-254.
19. Isaev F. Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 2017. 294-301. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9579](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579)
20. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 2021.
21. Isaev F. Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 2021, 326-333. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)
22. Исаев Ф. Солиқ таҳлилни ўрганиш зарурати. // *Архив научных исследований*, 2 (1). 2021. Извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
23. Курбанов З, Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // *Экономика и образование*. 2022. Т. 23. №. 4. С. 190-196.
24. Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилни ташкил этиш методикаси. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(5), 2022. 171-176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
25. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice // *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
26. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
27. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.



## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Махмадустов Жалол Махмадустович -**

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
мустақил изланувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a57](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a57)

**Аннотация.** Мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасининг шаклланиши, унда ер солиғи ва мулк солиғининг аҳамияти ва илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш имкониятлари асосланган. Ер ҳамда мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини ошириш юзасидан тартиб ва амалий тавсиялар таклиф этилди. Бундан ташқари маҳаллий бюджет даромадларини ошириш йўллари бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, мавзу доирасида иқтисодий олимларнинг тадқиқотлари ўрганилиб, хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

**Калим сўзлар:** ер, ер солиғи, кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий солиқлар, ресурс солиқлари, солиқ, бюджет, солиқ ставкаси, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

## ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГОВ С ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ

**Махмадустов Джалал Махмадустович -**

Независимый исследователь  
Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** В статье рассмотрено формирование доходной базы местных бюджетов, роль и научно-практическая основа земельного налога и налога на имущество. Обоснованы возможности обеспечения стабильности доходов местных бюджетов. Предложены методические и практические рекомендации по повышению значимости налога на землю и имущество в формировании доходов местных бюджетов. Кроме того, было проведено исследование способов увеличения доходов местных бюджетов, изучены исследования экономистов в рамках темы, сформулированы выводы и предложения.

**Ключевые слова:** земля, земельный налог, недвижимость, местный бюджет, доходы местного бюджета, органы местного самоуправления, местные налоги, ресурсные налоги, налог, бюджет, налоговая ставка, налоговый отчет, налоговые поступления, налоговый кредит.